

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

239 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сон Қонунининг 13-моддаси)

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сон Қонунининг 13-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлари га ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 24 май,
175-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 24 майдаги 175-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари га
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 164-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2006 й., 8-сон, 61-модда) билан тасдиқланган Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидаларида:

- а) 9-банддаги «олти» сўзи «икки» сўзи билан алмаштирилсин;
 - б) 10-банддаги «олти минг тоннадан» ва «бир минг тоннадан» сўzlари «икки минг тоннадан» ва «бир минг тоннадан» сўzlари билан алмаштирилсин.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 июндаги 169-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2014 й., 6-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Иқтисодиёт тармоқларида газдан фойдаланиш қоидалари 89-бандининг иккинчи хатбошидаги «олти» сўзи «икки» сўзи билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.